Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд Давлат Архитектура - Курилиш Институти

“Архитектура” факультети
“Касб таълими” кафедраси

***Битирув малакавий ишининг***

# ***ТУШУНТИРИШ ХАТИ***

**Мавзу**:. Рангтасвирда мевали натюрморт ишлаш ва уни ўқитиш услуби.

Кафедра мудири: доц. Рахимов А.Қ.
Раҳбар: катта ўқт. Абраев К.Ш.
Бажарди: 401- КТ(с) гурухи
талабаси Абдуқодирова Гулмира.

**Самарқанд 2014 йил.**

# Мундарижа:

Кириш…………………...................………………......

1. Мавзуни асослаш………………..........……….......

2. Ўқув услубий қисм.......................................

3. Хаётий фаолият хавфсизлиги.......................

4. Атроф мухит мухофазаси............................

Хулоса…..........………………………….........

Илюстрация...................................................

Адабиётлар……...……….....………..............

# КИРИШ

# Кириш

Дунё чексиз сир-синовлардан иборатдир. Борлиқни кузатар эканмиз, бизнинг куршаб турган олам турли туман ранглардан иборат эканлигини кўриб хайратга тушамиз. Бу рангларда қанчалар маъно ётади? Деб ўйга толасан.

Ҳар бир ранг бир олам маънони англатади нима учун табиат яшил рангда яратилган? Бунинг сабаби нимада? Агар табиат қизил ёки сариқ рангда бўлса қандай маънони англатган бўлар эди? Қайси ранглар инсон кайфиятини кўтаради? Қай бири салбий ёки ижобий таъсир кўрсатади. Асрлар давомида аждодларимиз фапн асбоблари муян даражада илмий тадқиқот ишларини, тажрибаларини ўтказиб келишмоқда йирик олимлар томонидан ранг туфайли рамзий маънода зўрлашиш ранглар воситасидла инсонларни даволаш тарбиялаш ранглаш жилғаси орқали фалсафий фикр юритиш ранг орқали инсонларни ички дунёсини англаш, шуниндек рангларни қишлоқ хўжалиги унумдорлигини оширишда иқтисодда ва бошқа масалаларни ижобий хал этишдаги мавкеи ҳакида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Аждодларимиз бизда ранг ва унинг инсон хаётидаги ўрни, шифобахшлиги фалсафий ва рухий томонлари жуда кўп маънавият хазиналарини қолдириб кетганлар масалан, ўша безакларнинг ранги психологиясига турлига таъсир этади ва ранглар ўзига хос рамзий маънода ҳамда шифобахш хусусиятга эга бўлади. Шундай экан амалий санъатнинг бўлажак уста-муаллими рангшунослик фанини чуқур ва атрофличи билиши зарур.

Миллий ракобатбардош кадрлар тайёрлаш учун педагогика университетларида янги стандартлар ва ўқув ранглари асосида дастурлар тузилди. Дастурлар асосида дарсликлар ёзилмоқда. Дарслик икки қисмдан иборат бўлиб рангшунослик фанининг назарий томонлари ва амалий қисмларидан иборат. Дарсликда рангшунослик фаннининг ўқитилиш мақсади ва вазифалари

рангшунослик тарихи рангларнинг тарбиявий, маънавий психологик томонлари бўёқ турлари, бўлмиш акварел гуаш, темпера ва мойбўёқларнинг ўзига хос томонлари хамда ишлатиш технологияси: рангшуносликка оид амалий машклар тизими нақш композицияси ва буюмларни бўяш технологияси терменлар лугати ва фойдаланилган адабиётлар руйхати берилган.

Ҳар бир мавзу учн фото суратлар чизмалар, амалий машклар, терменлар ва адабиётлар берилган. Рангшунослик фанини яхшироқ ўрганиш мақсадида бошқа фанлар ёрдамида тушунтиришга ҳаракат қилинди. Бу фанлар физика, кимё психология, фалсафа, мантиқ, тарих, математика, эстетика, тиббиёт фанлари билан чамбарчас боғлангандир.

# Мавзуни асослаш

## Мавзуни асослаш.

Менинг мавзуим “Рангтасвирда мевали натюрморт ишлаш” ва уни ўқитиш услуби деб номланади.

Мен мавзуим орқали рангтасвир санъатида мевали натюрморт ишлашни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим. Чунки унга рангтасвир санъатининг натюрморт жанрида ишлаш жуда ёқади шунинг учун диплом ишимга мавзу қилиб мевали натюрморт ишлашга қарор қилдим. Тасвирий санъат – энг қадимий ва кенг тарқалган санъат турларидан биридир. У кенг маънога эга. Ўз ўрнида ҳайкалтарошлик рангтасвир ва графика каби турларга бўлинади. Рангтасвир асосан буёқлар воситасида матога девор юсасига шунингдек бошқа жойларга ишланади.

Тасвирларнинг мазмуни характери ва шунга ўхшаш барча хусусиятлари бўёқлар орқали ифодалаб берилса бунга рангтасвир санъати дейилади. Шундан келиб чиқиб фарз қилинган мевалардан тузилган натюрморт чизишга натюрморт жанри ва натюроморт мактаблари, тарих буюк рассомларини шу тўрт йил ичида ўрганиб улар яратган натюрморт жанридаги асарларни тахлил қилиб ўрганиб чиқдим.

Менга натюрморт жанринингкомпазициялари унга қўйиладиган талаблар шу билан бирга ранглар ечими ва тўғри танланган мавзулар жуда ёқади. Ёрқин ранглар мавзуларнинг бой диққатга сазоворлиги буюм нарса, мева чевалар жилоси мени ўзига мафтун этади.

### Рангтасвир санъати

Рангтасвир- асосан бўёқлар воситасида матога, девор юзасига, шунингдек

бошқа  жойларга ишланади.

Рангтасвир санъати жозибали ва қизиқарлиги билан нафақат ўзлаштирилади ҳатто улар ўқий билиши, яъний идрок қилиши билимда ҳам ўқитувчидан жидий билим ва малака талаб қилади.

Рангтасвирни ўрганиш босқичларининг ҳар бирида  хиссий ва кўрсатмалар матреиалларининг роли жуда ҳам мухим, чунки рангтасвирда кўрсатмаликсиз таълим ва тарбия жараёнини ташкил қилиш мумкин эмас.фақат кўрсатмаликка иши (рекродукцияларнинг нимойиш қилииш) яхши йўлга қўйишгандагина кузатувчанлик актив ва тахлил килиш тажрибасида зарурдир.Н.М.Кивишининг юқоридаги таърифларга яна шуни қўшимча қиламизки   жоизки бугунги техник  тарақиёт турли ранглар филиаллар япатиши имкониятига эга.

**Ранг ўзи нима?**

Табиатдаги ёруғлик манбаи қуёш бўлиб, унинг нури жуда мураккаб ҳисобланади. Табиатдаги мавжуд рангларнинг икки қисмга, ахраматик ва хроматик ажратиш мумкин. Оқ, кулранг ва қора ранглар ҳамда уларни ҳар хил нисбати аралаштиришдан ҳосил бўлган барча ранглар тусларига ахраматик ранглар дейилади. Спектирда ахраматик ранглар қатнашмайди. Ахраматик рангларни хроматик ранглардан фарқи шундаки, улар танламай йутиш ва қайтиш хоссларига эга. Ахраматик ранглардан бошқа барча ранглар яъни бир оз ранг хиссига бўлган ранглар хроматик рангларга киради.

**Рангшунослик тарихи**

Рангни илмий жихатдан ўрганиш учун “Рангшунослик” фани юзага келган. Ранг инсон хаётда мухим ахамиятга эга. Дунёнинг таниқли олимлари томонидан ранг орқали рамзий маънода ганириш, ранглар тасвирлашда инсонларни даволаш тарбиялаш, ранглар жилгаси орқали фалсафий  бериш ранг орқали инсоннинг ички дунёсини билиш, кишлок хўжалик махсулотлари инумдорлигини ошириш инсоният маънавиятини шакллантириш ва бошқа масалалар ўрганилмоқда.

Аждодларимиз бизга ранг ва унинг инсон ҳаётидаги ўрни, шифовий тарбиявий фалсафи рухий томонлари ҳақида жуда кўп маънавият хазиналар қолдирганлар.

Президентимиз И.А.Каримов “Миллий истиқлол ғояси” асосий тушунча ва тамоиллар китобига ёзилган сўз бошида ўқитирганидек, “Ўзлигимизни англаш бизнинг кимлигимизни қандай буюк аждодларимизнинг меросига неча минг йиллик тарих бетакрор маданият ва қадриятларга эга эканимизни хис этиб яшаш” мустақил

республикамиз хар бир фуқаросини асосий мақсади ва вазифаси бўлиб қолди.

Шунинг учун ватанимиз илмий маданияти ва қадриятлари тарихий манбалар асосида чуқур холисона ўрганиш ва ёритишга бўлган интилиш яхши самара бермоқда.

## Рангларнинг сирлари

2000 йил Шотландия миллий музейида юз йилдан бери сақланаётган иккита мўмияланган жасад ҳар томонлама тадқид этилди. Халкимиз куйидаги рангларни ажрата олган ва уларнинг номини билган ҳаттоки, олимларимиз хар бир ранг номи нима учун қуйилганлигини ўз асарларида ёзиб қолдирганлар шу ранглар номи билан танишиб чиқаман: алвон, аргувон, баргикарам, бинафша, буғдойранг, бўс, гулгун бинафша, жигарранг, зангори, зафарон, зумрад, кахрабо, кулранг, кўк божуврд, лоларанг, малла, мовий,мош ранг, нафармон ол, оқ, пистамагиз, пистаки, пушти, сариқ сафсар, сомон ранг, сур, феруза, учроқ, кесак қизил, қирмизи, қора кори магиз асали, жимрий, затий, ёқутий, нафармон, бахрамони ва бошқалар.

Шарқ санъатида ранг хар доим катта рол ўйнайди. Ота боболаримиз рангларнинг хамма хусусиятларни яхши билганлар. Улар атрофимизни ураб турган табиат рангларига шайдо бўлганлари учун зангори ложуврд ва яшил рангларни айниқса кўп ишлатганлар хар бир рангнинг ўз мазмуни ва асосланган манбаи бўлади. Кўм-кўк яъни хаво ранг – ота буёқ коинотни эслатади. Яшил ранг – она бўёқ ер юзидаги яъни яшил табиат рамзидир.

Улар аралашмасида худди оналик ва оталик меҳри келиб тургандек гўё.

## Ранг номлари ва уларнинг келиб чиқиши?

Рангтасвирнинг илмий негизини рангшунослик фани ташкил қилади. Рангшунослик бўлғуси рассомларга рангларнинг табиатола ҳосил бўлиши ва рангланиши масалаларини, уларнинг атроф мухит таъсирида ўзгариб кўчишини, бўёқларни тайёрлаши ва улардан фойдаланиш йўлларини ўчириш марказий осиёда ранглар ҳақида маълумот қадимдан китоб минатураси, наққошлик ва деворга ранглар ишлаш билан боғлиқ ролда ривожланиб келган.

Шунинг учун хар бир шогирд, аввало ранг тайёрлаш сирларини жараёнларини ўрганган. Рангларнинг табиатда қандай хосил бўлиш ва ранглаш ифодалари қадимдан олимлар ва рассомларнинг диққатини топган. Уйғониш даври буюк

рассомлари ва назарий чиллари Леон Баттисфа Алберти, Леонардо да Винчи ва бошқалар рангтасвир бўйича асарларида рангларнинг хусусиятлари ҳақида ёзганлар.

Ранглар доирасида қизил, қирқиш зарғалдоқ, сариқ, саргиш яшил, яшилтоп ранлари, хаворанг, кўкимтир хаворанг кўк кўкимтир бинафша, қирмизий рангларнинг хар хил туслари кўринади.

## Рангларнинг номланиши

Ўзбек тилида дунёдаги ранг номи кенг кўламида ишлатилади. Алвон, арғувон, барги карам, бинафша, буғдойранг, зангори, зафарон, зумрад қора мағиз, қорача қўнгир, хаворанг.

Халқ тилида ишлатиладиган ранг номларига эътибор беринг, анордона ақиқ бойро гул, барг ранг вақа тўни, бина  гулнор гулоба данифа ранг, сурма ранг, тилларанг, тупроги турик, қовоқ сариқ гиркук ғолия ҳақ ранг. Қуйинадги холларда эса ранг номи икки марта такрорланиб кучайтирилади. Кўк-махком-кук, оппоқ, сап-сарик,  қип-қизил, коп-қора.

Устун ранг номи олдидан баъзи  ранг номи хам қўшиб ишлатилади. Масалан: қизил-жигар ранг, кўк-яшил номларини ифодалашда йўл-йўл, катақола, ола-бўла, ола-кўла, фирғил чироқ, ҳўл-ҳўл, қашқа сингари сўзлар ўзига хос рол ўйнайди.

Рангларга ном беришнинг она шунга ўхшаш хусусиятлари шаркда қадим замонлардан бери хукм суриб, ривожланиб келмоқда. Жумладан Абу Райхон Беруний ўзининг “Китоб ал жавохир  маърифат ал жавохир”асосида турли минираллар ва материалларнинг рангини тўсини мохирона тасвирланган.

Унинг мусиқасида фақат рангномларининг ўзи 2000 дан ошади. Шунингдек, Алишер Навоий ва захриддин Мухаммад Бобур ранг номларидан мохирона фойдаланишларини кўрамиз.

Мамлакатимизда жорий этилаётган ранглар номини стандартлаштиришга катта ахамият берилмоқдаю бу тадбир асримизнинг илк чорагида олимлардан Нуюрберг ва Р.Дютер асос солган.

## Рангларнинг номи ва келиб чиқиши

Ойбек тилидаги ранг номларининг ўрнини ишораловчи ранг даврлари ва гурухларида

# Ўқув услубий қисм

## Педагог қандай бўлиши керак

Ҳозирги замон педагогининг асосий фазилатларидан бири — ўз касбига садоқатлилиги, ғоявий эътиқодлилиги, ўз касбини севиши уни бошқа касб эгаларидан ажратиб туради. Чунки мактабда таълим-тарбия ишининг юқори савияда олиб борилиши фақат педагогга, унинг касбий тайёргарлигига боғлиқ.

Ўқитувчи шахсига қўйиладиган муҳим талаблардан бири шуки, у ўзи ўқитаётган предметларни чуқур билиши, унинг методикасини ўзлаштириб олган бўлиши зарур. Предметни ва унинг назариясини чуқур билиши, уни қизиқарли қилиб ўқувчиларга етказа олиши болаларнинг шу предметга бўлган қизиқишини оширади, ўқитувчининг обрўйини оширади. Ўқувчилар педагогнинг ўз билимларини болаларга етказа олиш имкониятларини қадрлабгина қолмай, балки унинг фидойилигини ҳам тақдирлашади.

Ўқитувчининг юксак маданияти, унинг теран билим доираси таълим-тарбия ишларининг муваффақиятли кечишига ёрдам беради. Ҳозирги замон педагогси ва айниқса, бошланғич синф педагогси миллий қадриятлари-мизни билибгина қолмай, кенг ота-оналар жамоатчилиги ичида, синфда унинг оташин тарғиботчиси ҳам бўлиши керак.

Педагоглик касбига хос бўлган муҳим талаблардан бири— болаларни севиш, уларнинг ҳаёти билан қизиқиш, ҳар бир шахсни ҳурмат қилишдан иборатдир. Болани севган, бутун куч ва билимини болаларнинг келажаги, уларни Ватанга содиқ фуқаро қилиб тарбиялашга сафарбар қила оладиган инсонгина ҳақиқий педагог боиа олади. Болага бефарқ, унинг келажаги билан қизиқмайдиган, педагоглик касбига лоқайд инсон ҳақиқий педагог бўла олмайди.

— болаларни халқ педагогикаси дурдоналари ҳамда миллий қадриятларимиз асосида тарбия қила олиши;

— нутқи равон, халқ тили бойлиги, ифода усули ва тасвир воситаларини,

адабий тил услуб ва меъёрини тўла эгаллаган бўлиши зарур.

Педагоглик касбига хос бўлган бундай фазилатларни ундаги педагогик одоб шакллантиради. Педагогик одоб педагогнинг юксак касбий фазилатидир. У педагогнинг саботли бўлиш, ўз ҳиссиётини идора қила олиши, болаларга педагогик таъсир ўтказиш восита ва меъёрларини белгилаши ва аниқлашига ёрдам берадиган фазилат ҳисобланади. Юксак педагогик одобга эга бўлган педагоггина синфда мўтадил психологик иқлим ўрната олади, болалар қалбига тез йўл топа олади.

Ўз хизмати хусусиятига кўра педагог ташкилотчилик фазилатига ҳам эга бўлмоғи лозим. Бунинг учун педагог ташаббускорлик ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлиб, ҳар доим тетик, ғайратли, ўз кучи ва имкониятига ишонган бўлмоғи зарур. Ташаббускор ва ғайратли педагог болаларни ўз орқасидан ергаштира олади, ўқувчилар унга ергашади.

Ўқитувчилик касби жуда катта руҳий ва жисмоний куч талаб етади, шунинг учун педагогнинг саломатлигига ҳам маълум талаблар қўйилади. Ўқитувчининг овоз пайчалари ривожланган, кўриш қобилияти яхши бўлиши, узоқ вақт тикка тура олиши, кўп юриши, епчил ҳаракат қила олиши (айниқса, бошланғич синф педагоглари) керак. Чунки кичик мактаб ўқувчилари тиниб-тинчимайдиган, ўта қизиқувчан, серҳаракат бўладилар. Бу шароитда педагог ҳам шу хусусиятларга эга бўлмоғи лозим.

Ўқитувчи шахсига қўйиладиган умумий талаблар билан бир қаторда, бошланғич синф педагогси касбининг ўзига хослиги ҳам айрим муайян талабларни келтириб чиқаради. Чунончи, бошланғич синф педагогси анатомия, физиология, мактаб гигиенаси фанларидан хабардор бўлмоғи, ўқувчилар фаолиятини шу фанлар тавсияси асосида ташкил етиши лозим (синфлари гигиеник талабга жавоб бериши, ўқувчилар кун тартиби, уларнинг ақлий ва жисмоний ривожланишини кузатиш ва тўғри йўналтириш); педагог ўз нутқини идора қилиши; адабий нутқ меъёрларига риоя қилиши, овозининг баланд-пастлигига аҳамият бериши (ортиқча баланд овоз билан гапириш ҳам, секин гапириш ҳам болаларни чарчатиб қўяди); нутқнинг жонли, ифодали бўлишига эътибор бериши; болаларни чарчатиб қўймаслик мақсадида дарсда иш турларини тез-тез ўзгартира олиши, ота-оналар ўртасида педагогик билимларни тарғиб қилиши, улар билан яқиндан алоқа ўрната олиши (бу фаолият тури бошланғич синф ўқувчиларининг хулқ-атворини, майлларини, жисмоний ҳолатини ўрганишга ёрдам беради) ва уларга тарбиявий таъсир ўтказишга

ёрдамлашиши керак. Ниҳоят, у ўз устида тинмай ишламоғи лозим. Айниқса, қадриятларимизни ўрганишга, ўзлигимизни танишимизга, қадимий маданиятимизни билишга эҳтиёж катта бўлмоқда, зеро, бу нарсаларни билмай туриб мустақиллигимизни мустаҳкамлаб, буюк давлат қуриб бўлмайди. Шундай екан, бошланғич синфдан бошлаб болалар шарқона тарбия таъсирига олинмоғи, миллий қадриятни билмоғи лозим. Бу педагогдан шу соҳада чуқур билимга эга бўлишни талаб этади.

# Хаётий фаолият хавфсизлиги

Диплом лойиҳа иши “Рангтасвирда натюрморт жанри ва уни ўқитиш услуби” мавзусида бўлиб, унда архитектуравий, меъморий режавий ва ландшафт диўайн ечими масаласи қараб чиқилган.

Диплом лойиҳа ишида ўқувчиларга учун, хавфсизликни таъминлаш, ёнғин ва электир хавфсизлиги ошириш, зилзиладан ва ёғин-сочинлардан одамларни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари кўриб чиқилган.

Шунинг учун ҳам диплом лойиҳа ишининг “Ҳаётий фаолият хавфсизлиги ва меҳнат мухофазаси” бўлимида биз асосий эътиборни ҳар қандай жойда ҳам, исталган пайтда ҳам содир бўлиш эҳтимоли бўлган тез-тез юз берадиган ёнғин, портлаш, электр хавфсизлиги, ҳаво ҳароратининг кескин совуб ва исиб кетиши, кучли қор ва ёмғир ёғиши, зилзилага ва санитария-гигиена талаблари ҳамда тизимларининг ишдан чиқиши, сув босиши каби офатларга қаратамиз.

Самарқанд шаҳри тоғга яқин ҳудудда жойлашгани учун ёмғир тез тез ёғиб туради. Ёзда эса қурғоқчилик бўлади. Шунинг учун ёмғир, ёнғин хавфсизлигини кўриб чиқамиз.

*Ёнғин* – инсонлар ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солувчи, моддий ва маданий бойликларни йўқ қилувчи офат, назоратдан чиқиб кетган ёниш жараёни.

Ёнғин келиб чиқиши учун қуйидаги уч омилнинг бир вақтнинг ўзида бир жойда бўлиши етарлидир. Яъни:

- ёнувчи мода (коғоз, ёғоч-тахта, нефть ва унинг маҳсулотлари);
- ёниш манбаи (гугурт, учқун, аланга);
- оксидловчи (кислород, ҳаво);

Ёнгиннинг олдини олиш уни учиришдан кура осонрокдир. Куйида ёнгин

хавфи пайдо булганда ва юз берганда ахолининг харакатлари кандай булишлиги хакида фикр юритамиз:

Ёнғинларни тез, кенг тарқалиб кетишининг асосий сабаблари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

-иншоотлар лойиҳасини ишлаб чиқишда йўл қўйилган хато ва камчиликлар;

-иншоотлар қурилишида Қурилиш меъёрлари ва қоидалари ҳамда давлат стандартига риоя қилмаслик;

-ёнғин назорати, газдан фойдаланишни назорат қилиш ходимлари томонидан кўрсатилган, ёнғиннинг олдини олиш тадбирларининг бажарилмаслиги;

-фуқароларнинг ёнғин содир бўлганда ўз вазифаларини билмасликлари ва ваҳимага тушиб қолишлари;

-болаларнинг ёнғин чиқишига олиб келувчи уйинларига катталарнинг беparволик билан қараши;

-ёнғинга қарши курашда қўлланиладиган ўчириш ва қутқариш воситаларининг етишмаслиги.

Ёнғиннинг олдини олиш чора-тадбирларига қуйидагилар киради:

-ёнғин ва портлашга хавфли бўлган барча объектларни инвентаризациялаш (корхона ёки муассасага қарашли мол-мулкни ҳисобга олиш, рўйхат қилиш), паспортлаштириш ва декларациялаштириш (керакли маълумотларни ўз ичига олган расмий ҳужжат тузиш);

-ташкилот ва муассасаларда доимий равишда давлат махсус текширув идоралари томонидан ёнғин ва портлашнинг олдини олиш бўйича текширувлар ўтказиш, ёнғин чиқиши ва портлашларга сабаб бўлувчи камчиликларни аниқлаш, зудлик билан бартараф этиш ва уларга йўл қўймаслик;

-Қурилиш меъёрлари ва қоидалари, давлат стандартларига доир махсус буйруқларни сўзсиз бажариш;

-ёнғиндан муҳофаза қилувчи идораларнинг ходимлари берган кўрсатмаларни бажариш, энг асосийси ёнғинга олиб келувчи вазиятларни махсус кучлар томонидан биринчи навбатда бартараф этиш бўйича қилинадиган ишларни бажариш;

-ёнғинни бартараф этиш чора-тадбирларини билиш, қолаверса ёнғинни ўчириш учун биринчи дақиқада бир пиёла, иккинчи дақиқада бир челак сув етарли бўлишини, учинчи дақиқада эса бир цистерна сув ҳам етмай қолиши мумкинлигини ёдда тутиш;

-аҳолининг барча табақасини мунтазам равишда ёнғиннинг олдини олиш чора-тадбирларини бажариш бўйича ўргатиб бориш.

Ёнғинга қарши курашда ва уни бартараф этишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш катта самара беради:

-ёнғин кенг тус олиб кетмаслиги учун ёнаётган жойнинг теварак-атрофини сув ва бошқа ёнмайдиган қоришмалар ҳамда моддалар билан совитиб, ёнишига йўл қуймаслик;

-ёнаётган ҳудудни кўпик, кукун, қум, қалин мато ва ҳаво ўтказмайдиган бошқа нарсалар билан ажратиб, яккалаб қуйиш;

-ён-атрофдаги барча тез ёнувчи жиҳозларга, иншоотларга махсус кўпик-кукунли, ишқорли сув сепиш;

-ёниш реакциясини кимёвий йўл билан секинлаштириш.

**Ўтни ўчиришни дастлабки ускуналари.**

Ўтни ўчириш ускуналари: қўлда ишлатиладиган бирламчи воситалар; бир жойда муқим ўрнатиладиган ва механиқ ёки автоматик ҳаракатга келтириладиган ускуналар; ҳархил масофадаги ҳудудларда ҳаракатланаоладиган кўчма ускуналар ва бошқаларга бўлинади.

Бирламчи ўт ўчириш воситаларига, ташкилот ишчи ва хизматчилари ёки ихтиёрий ёнғин дружина (ИЁД-ДПД) аъзолари томонидан ишлатишга мўлжалланган, ёнғинга қарши «қалқонлар»да изоҳланган оддий асбоблар, махсус енг ва дастаклар билан жиҳозланган ички ўт ўчириш кранлари ва бошқа ускуналар киради.

Маъмурий бинолар ва саноат корхоналарида, ёнувчи ашёлар ва портловчи моддалар сақланадиган омборхоналар ҳудудида, ёнғин хавфи мавжуд бўлган жойларда ўт ўчиришда қўлланиладиган асбоблар ўрнатилган, «ёнғинга қарши қалқон» чизма да акс эттирилган.

# Табиатни мухофаза қилиш

**Атроф мухит мухофазаси**

Ҳозирги даврда инсон билан табиат ўртасидаги муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари: Биосферанинг инсон хаёт учун зарур бўлган барчакомпонентларига нихоятда ҳушёрликбилан қараш ва ҳозирги босқичда инсонинг уларга бўлган барча компонентларига нихоятда хушёрлик билан ыараш ва ҳозирги босқичда инсоннинг уларга бўлган таъсири қандай даражада намоёт бўлаётганлигини эътиборга олиб иш кўриш нихоятда долзарб масаладир.

Ушбу масалани чуқурроқ тушуниб олиш учун биосферанинг инсон ҳаёти учун зарур бўлган тикланадиган ва тикланмайдиган энг мухим таъбий ресурсларини кўриб чиқамиз. Аввало биосферадаги табий ресурслар дейиладиган қозилма бойликлар иқлим, сув, тупроқ ўсимлик ҳайвонлар, шунингдек космик ва атом ресупрслари ва хоказоларни тушунмоқ лозим. Бу ресурслар икки турга бўлинади: қайта тикланадиган ва қайта тикланмайдиган ресурслар қайта тикланадиган ва қайта тикланмайдиган ресурслар қайта тикланадиган ресурсларга инсон истеъмоли натижасида мутлоқо тугаб кетмайдиган ҳар енгил ёки бир неча йилдан кейин қайта тикланиб турадиган ресурслармасалан тупроқ ўсимлик ва ҳайвонлар дунёсини берадиган масхулотлари киради.

Инсон томонидан тупроқ ва ўсимлик ҳайвонлардан оқилона фойдаланилса, улардан кўпроқ фойда олиш мумкин акс ҳолда тупроқ унумдорлиги пасиб кетиши ёки у ирозияга учраши мумкин ва хк. Ўсимлик ва хайвонларнинг айрим турлари ҳам йўқолиб кетиши мумкин. Қайта тикланадиган ресурслар билан бирга ҳеч қачон тугамайдиган ресурслар мавжуд. Уларга иқлим ва сув

ресурслари киради. Улардан қанча фойдаланса хам миқдори тугамайди, лекин ёмонлашиши мумкин. Қайта тикланмайдиган ресурсларга ер ости бойликлари (Темир пардаси олтин нефт газ кўмир ва бошқалар) киради.

Улардан фойдаланилган натижасида захираси камайиб боради ва қачонлардир тугаб қолади. Лекин улар қайта тикланмайди. Улардан тежамкорликдан фойдаланилгани талаб этилади. Тирик эрганизимлар жумладан инсонни табиат билан муносабатлари ва улар ўртасидаги зарали оқибатлар ҳақида қиёқача қуйидагиларни айтиш мумкин масалан; Ҳавонинг таркибидаги кислород деярли барча организмнинг яшаши учун зарур бўлган элемент ҳисобланади. Озиасиз инсон 5 ҳафта сувсиз беш кун кислородсиз бегумент ҳам яшаши мумкин.

Сайёрамизда кислород (етказиб берувчи манбалар қандай экан? Олимларнинг фикрича кислороднинг ярмидан кўра қуруқликдаги ўсимликлари, қолгани эса сувдаги ўсимликлари, қолгани эса сувдаги ўсимликлар томонидан ажратиб чиқарилади).

Кейинги беш йил инсон таъсирида ер юзида ўрмонларнинг 3-2 қисм кириб ташланди. Охирги юз йилда 40% га экин ўрмонзорлар йўқ қилинди. Уларнинг майдонни қисқартириш ҳисобига ҳозир атмосфералда йилига 10-12 м.л.д. Т. Кисларод миқдори камайяди. Аксинча корбонад ангидрининг миқдори ўрта асрларга нисбатан 10-12% га ортди.150 йилдан сўнг сайёрада кислород мувозанатини бузилиш хавфи сезилади унинг миқдори критик нуқтага ётиб бориши мумкин кислорднинг кўпи автомашиналар, самалётлар ва бошқа турдаги техникалартомонидан ўзлаштириб юборилмоқда дунё бўйича 700 мл. Автомашиналар бўлиб, уларнинг сони йилига сайёранинг алохи сони ўсишига нисбатан 5 марта кўп ўсиб бормоқда.

Ҳозирги риактив самалётлар Америкадан Европага учиб келгунча ўртача 50-100 г кислород ёқади. Бундай миқдордаги кислородни кунига 10 минг гектар майдондаги ўрмон ишлаб чиқариши мумкин. Атмосферанинг озон қатлами ҳам емирилиб бормоқда. Хива транспорти озон захираларининг камаишига сабаб бўлмоқда, бу эса атмосфера юқори қатламидаги ҳаёт учун хавфли хисобига ултра бинафша кукунларини ер юзида тушиб инсонлар ва ҳайвонларга салбий таъсир этиш мумкин биосферанинг бир мухим таркиби қисмларидан бири сув ҳисобланади.

# Иллюстрация

# Хулоса

**Хулоса.**

Рангтасвирнинг натюрморт жанрига бўлган қизиқиш, имконият цивилизациянинг илк даврларидан бошлаб келган. Натюрморт жанри ва яратилган асарлар дастлаб мустақил жанр сифатида шаклланган, лекин кейичалик рассомлар томонидан бу жанрга бўлган қизиқиш кескин кучайган. Бунда асосан натюрморт жанрининг буюк устоларининг тинмай изланишлари бир-бириникини, такрорланмаслигига ҳаракат қилдилар. Албатта бу рассомларнинг ижод қилишларида рангтасвир натюрморт мактабларининг ўрни катта бўлган натюрморт мактабларининг ўрни катта бўлган натюрморт мактаблари айниқса Голландия, Филандия, Франция, Германия, Италя ва бошқа мактаблар, бу мактаб рассомлариниг натюрмортлари ўта даражада аниқлик ва рангларнинг ҳам аслидек беришликлари билан фотография даражасида изланишлари ажралиб туради. Бу рассомлардан П.Класс, В.Кальф, Б.Вдер Аст, Я.Веникс А. Бейрен Ҳ.Де.Гесмлар ва бошқалар. Шу билан бирга Ўзбекистонга келиб шу жойда илк бор натюрморт асарларини яратган рассомлар Н.КалменаМ.Крузин, Ф.Уфиқиев М.Меньникова, Ш.Хасанова

И.Саминжонова ҳамда Ф.Абдурахмонов А.Икромжонов, О. Қозоқовлар яратган гўзал ва бетакоро рангтасвир ва натюрморт асарлари билан яқиндан танишдим. Мен асосан натюрморт ишлашнинг босқичма босқич бажариши кетама кетликлари ҳақида  рассомлари ҳам танишдим. Шу билан бирга натюрмортнинг ён  томондаги  деталлари орқали пландаги деталлари, образ, натюрмортнинг ишлаш босқичма босқичлари  ҳақидага ўқитувчи устоз муаллим бу инсон ёш ўсиб келаётган эртанги кунимиз бўлиши ёшларга билим берди. Ўртада ва тарбиялайди. Асосан тасвирий санъат дарслари талабалар эстетик дунёқарашини ғоявий эътиқотларини шакллантиришда алохида ахамият касб этади.

Уларнинг фикрлаш, қобилиятини ижодий тасавурини бадий эстетик хиссиётини ўстиради. Шу билан бирга уларни бирга гўзаликни севишгаЮ, фантазия қилишга ундайди. Хулоса қиладиган бўлсак натюрморт жанрига бўлган қизиқишимни мен келажакда янада давом эттирмоқчиман. Чунки бунга сабаб коллежларда талабаларга таълим тарбия ишларини ошиб беришда натюрморт  жанри янада чуқурроқ ўрганиши ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим.

Ўз устида янада изланишимга ва ишларимни янада ривожланишига тўғри келади.

# АДАБИЁТЛАР

**Адабиётлар.**


1. Абдурахимов С. Тошёров Н., Рангтьасвир Тошкент ЎМКХТМ 2005 й

2. Набиев М. Рангшунослик Тошкент “ўқитувчи” 1995 й.

3. Ойдинов Н. “Рассом –ўқитувчилар тайёрлаш муаммолари” Тошкент ўқитувчи “Зиё нашр” 1997 й.

4. Орипов Б. “Тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси” Тошкент илм зиё 2005 й.

5. Эгамов Х. “Буёқлар билан ишлаш” Тошкент ўқитувчи 1981 й.

6. Яшхин А.П. живопись Москва 1990 г.

7. Ўзбекистон илмий энциклопедияси

8. Каримов И.А. “Янгича ишлаш ва фикрлаш давр талаби” Тошкент 1997 й. Ўзбекистон нашрёти

9. Авлёқулов Х.Т. Замонавий ўқитиш технологиялари Тошкент 2001 й.

10. Баркамол авлод Ўзбекистон тарақиётининг пойдевори Тошкент 1997й

11. Рахимов А.К.Абраев К.Ш. Ахатов Ф.Ш. битирув малакавий ишни бажариш учун методик тавсифлар Самарқанд 2013 йил.

12. Азизхўжаева Н. Педагогик технологиялар ва педагогик махорат Тошкент 2006 й.

13. Олимова ва бошқалар Дидактик воситалар Тошкент 2006 йил.

14. Атабоев Қ.Қ. Хаёт фаолияти хавфсизлиги фанидан ўқув қўлланма Самарқанд 2013 йил.